



# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 41 (1367), 2025 йил 27 февраль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАРДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида 26 февраль куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, шохсупага таклиф этди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг барча йўналишлари кўриб чиқилди.

Сўхбат аҳолига Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Фаол сиёсий мулоқотлар, самарали парламентларо ва идораларо алмашинувлар давом этмоқда.

2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди, қўшма корхоналар сони 130 тага етди. Карачи ва Тошкентда савдо уйлари очилди. Тошкент ва Лаҳор ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар тикланди.

Ҳукуматларо комиссия йиғилиши, бизнес-форумлари ва Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган “йўл харитаси” асосида товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш, фитосанитария ва карантин талабларини, боғжона тартиб-таомилларини ўзаро соддалаштириш, стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо платформаларини интеграция қилиш, харидларда иштирок этиш имкониятини таъминлаш, банкларро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш ва бошқалар устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Етакчи компанияларнинг фармацевтика, электротехника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, геология ва минерал ресурслар, тўқимачилик, чарм саноати ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш режалари кўриб чиқилди.

Худудлар ўртасидаги ишбилармонлик ва маданий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда икки мамлакат худудлари форумини ўтказишни таклиф этди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш ва транзит салоҳиятини рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Кейинги бир неча йилда “Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” мултимодал йўлаги орқали юк ташини ҳажми 5 баробар кўпайгани мамнуният билан қайд этилди. Юк айланмаси ҳажмини янада ошириш мақсадида қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалда илгари суриш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йил июль ойида Лаҳор шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар маданий-гуманитар ва туризм алмашинувини янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар. Шу маънода, ўзаро Маданият ҳафталиклари ва туризм дастурлари тақдиротларини ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қўшilmаслик ҳаракати, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашнинг давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири терроризм, радикализм, исломофобия ва хавфсизлик таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Кенг кўламли ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги музокаралар якунида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган Қўшма декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённомани имзоладилар.

Икки мамлакат етакчилари ҳузурида таширф давомида имзоланган куйидаги ҳужжатлар алмашилди:

- Фан, техника ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Дипломатик паспорт эгаларининг визасиз сафаридаги тўғрисида битим;
- Ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Профессонал таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ешларга оид сиёсат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- дипломатик академиялар, Тошкент ва Лаҳор шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ва ахдлашувлар ҳамда бошқа ҳужжатлар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф бўлиб ўтган музокаралар якунларига изоҳ бердилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида учрашувлар самарали бўлганини алоҳида қайд этиб, ушбу тарихий таширф Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклигида янги саҳифа очилиши таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини юксак баҳолади. Ҳукуматларо комиссия самарали фаол яритилмоқда, сиёсий маслаҳатлашувлар, қатор ишбилармонлик тадбирлари ва Ўзбекистон саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг

яни “ўсиш нуқталари”ни белгилаб олгани, Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини ташкил этишга келишиб олингани таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажмини кескин ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, саноат кооперациясини кучайтириш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унга қулай шароитлар яратиш масалалари диққат марказида бўлди.

Глобал ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар доирасидаги яқин алоқалар ҳамда ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Афғонистонни тинч ривожлантириш, Фаластин масаласини дипломатик йўл билан ҳал этиш борасидаги позициялар яқин экани таъкидланди.

Шу билан бирга, хавфсизлик соҳасида, терроризм, трансмиллий жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда икки томон ҳам манфаатдор экани билдирилди.

Музокараларда маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги алмашинувини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маданият ва санъат фестивалларини ўзаро ўтказиш, сайёҳлар оқими, шу жумладан, “Умра плюс” дастури доирасида ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф Ўзбекистон — Покистон бизнес-форумида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат етакчи компанияларининг 300 нафарга яқин раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Покистон томонидан “Al-Rafiqe Enterprises”, “Mehran Dates Products”, “Brighto Chemicals”, “Transpower Industries”, “FWO”, “T.M.C”, “Pakistan Mobile”, “TCS” ва бошқа кўплаб компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бўлиб ўтган самарали музокараларда кўп қиррали шериклини янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилингани, катта режа ва вазифалар белгилаб олинганини таъкидлади. Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг “локомотиви” сифатида белгиланди.

— Улкан салоҳиятга эга бўлган иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиршига қодир, — деди Президентимиз.

Ўтган йил якунларига қўра, товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди, қатор йirik қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон

Покистоннинг Марказий Осиёдаги энг йirik савдо шеригига айланди.

Кейинги йилларда бизнес учун қулай шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Лаҳор билан авиақатновлар тикланди, рейслар сонини кўпайтириш ва парвозлар географиясини кенгайтириш режалаштирилган. Бизнес-форумлари, саноат кўргазмалари ўтказилмоқда. Карачи ва Тошкент шаҳарларида савдо уйлари ташкил этилган.

Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлиги янги лойиҳалар билан бойимокда. “Pak Merit”, “Diamond Group”, “Silk-way”, “Getz Pharm”, “Gerbion”, “NLS” ва бошқа компаниялар билан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Аввало, йилга камида икки марта — Ўзбекистон ва Покистонда бизнес вакиллари кенг жалб қилган ҳолда ишбилармонлик тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Жуғрофий яқинликини ҳисобга олиб, товар айирбошлаш ҳажмини кескин ошириш, шу жумладан, амалдаги Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар номенклатурасини кенгайтириш, фитосанитария, карантин ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, банкларро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Хитойни Марказий Осиё билан боғлайдиган темир йўл қурилиши бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Келажакда ушбу стратегик йўл Покистон бандаргоҳларига олиб чиқиши мумкин, бу эса ўзаро савдо ва инвестицияларни сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Саноат кооперациясини жадал ривожлантириш мамлакатларимизнинг туб манфаатларига мосдир. Худудларо ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шу маънода, худудлар раҳбарларининг ўзаро таширфларини фаоллаштириш, бунда икки мамлакат ишбилармон доираларини кенг жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар дастурини, шунингдек, бизнес юритиш учун яратилган шароитларни юқори баҳолаб, шериклини кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий таширфи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Икром АВВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА мухбирлари

### ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанини таваллуд куни билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қардош турк халқининг барқарор тараққиёти ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Замонавий Туркиянинг барпо этилишида, мамлакатнинг глобал майдондаги нуфузи юксалишида, Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари бугунги юксак даражага кўтарилишида Президент Режеп Эрдоғанининг ўрни ва шахсий ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Туризм соҳасида фаол, сермахсул мулоқот ва алмашинувлар давом этаяти, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлик суьрати ошиб бораётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Инвестициялар, инновациялар, энергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш,

таълим ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги бўлажак саммитлар кун тартибининг таъйинлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Сўхбат якунида етакчилар бутун муслмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан бир-бирини табриклаб, қардош Ўзбекистон ва Туркия халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

### ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОЛИ ЖУДА КАТТА

ПОКИСТОНЛИК ЭКСПЕРТЛАР МАМЛАКАТ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШИРФИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

26 февраль куни Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга амалга оширган икки кунлик расмий таширфи якунланди.

Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги саммитда Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг барча йўналишлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Тошкентда Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган Қўшма декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённома имзоланди.

Ўзбекистон — Покистон саммити якунлари покистонлик эксперт ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

► Давоми 2-бетда

### Буюк ўзбек йўли

СИЁСИЙ ТАФАККУРИ ЮКСАК ХАЛҚ БУНДАЙ ЖАМИЯТНИ АСЛО ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Юксак тараққиёт йўлидан дадил илдамлаётган янги Ўзбекистонда халқимизнинг сиёсий тафаккури талқимизнинг, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди. Тафаккур юксалгани халқимизнинг мамлакатимиздаги шиддатли ислохотларга, қабул қилинаётган қарор ва қонунларга, ён-атрофимиз ва жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигида яққол кўзга ташланади.

► Давоми 3-бетда

# ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОЛИ ЖУДА КАТТА

## ПОКИСТОНЛИК ЭКСПЕРТЛАР МАМЛАКАТ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

### Бошланиши 1-бетда

**Сармад АЛИ, Покистон Сенати аъзоси:**  
— Ташриф икки давлат ўртасидаги чуқур тарихий алоқалардан дарак беради. Покистон Ҳукумати раҳбари Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашуви янги келишув ва ташаббуслар орқали минтақавий алоқалар доирасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Кун тартибидagi асосий масала ўзаро савдо ва сармоияни рағбатлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ҳар икки томон ўзаро товар айирбошлаш ҳажминин 1 миллиард долларга етказиш бўйича кўзланган мақсадни амалга оширишга интилоқда.

Ишончим комилки, Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда таъкидланганидек, иқтисодий муносабатларнинг бугунги суратлари билан турли соҳаларда, жумладан, энергетика, инфратузилма ва юқори технологияларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали ўзаро савдо ҳажминин 2 миллиард доллардан зиёдаги ошириш мумкин.

Ташриф давомида муҳим ҳужжатлар тўплами — савдо, мудофаа ишлаб чиқариши, иқлим ўзгариши, туризм, маданият ва таълим соҳаларини қамраб олган келишув ва меморандумлар имзоланди. Ушбу келишувлар бизнес имкониятларини кенгайтириш ва муҳим соҳаларда Покистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ташриф доирасида бўлиб ўтган Покистон — Ўзбекистон бизнес-форуми, ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги B2B учрашувлари тижорат алоқаларини мустаҳкамлаш, янги сармоиявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишга замин яратди.

Давлат раҳбарлари иқтисодий алоқалардан ташқари минтақавий хавфсизлик ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Икки давлат ҳам Марказий ва Жанубий Осиёда барқарорликни сақлаш ҳамда минтақавий савдо йўлаklarини мустаҳкамлашдан умумий манфаатларга эга.

Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг роли жуда юқори. Ушбу муҳим омил Покистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим савдо ва транзит маркази сифатидаги мавқеи билан бир қаторда ҳар икки томоннинг минтақавий тараққиёт ва иқтисодий интеграция ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди.

Покистон ва Ўзбекистон ўзаро алоқаларини янги чўққиларга олиб чиқиш, минтақада узоқ муддатли фаровонлик ва барқарорликни таъминлаш учун савдо, инвестиция ва мудофаа соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг ташрифи Покистон — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш, кенгайтирилган дипломатия ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги ўқларига йўл очишда муҳим қадам бўлди.

### Ҳолид Таймур АКРОМ, “Умумий келажак жамияти” таҳлил маркази ижрочи директори:

— Покистон ва Ўзбекистон раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар икки томонлама стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ташриф жуда муҳим. Ҳар икки давлат ўзаро савдо ҳажминин кенгайтиришга интилоқта экан, унинг натижалари минтақавий боғлиқлик ташаббусини янги лойиҳалар билан бойитди. Дипломатик муносабатларни мустаҳкамлайди, иқтисодий алоқалар ва ўзаро фаровонликни рағбатлантирадиган ҳамкорликнинг янги йўналишлари бўйича келишиб олиш имкониятини беради.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлатнинг иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилишини кучайтирувчи қатор икки томонлама шартномалар имзоланди.

Ташрифнинг асосий нуқтаси Покистон — Ўзбекистон бизнес-форуми бўлиб, унда етакчи бизнес вакиллари B2B форматидagi учрашувларда иштирок этди. Ушбу форум якунлари Покистон ва Ўзбекистон бизнеслари ўртасида тўғридан тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали савдо алоқаларини мустаҳкамлайди, сармоиявий ва иқтисодий имкониятларни оширишга замин яратди.

Янги келишувларнинг имзолангани савдо, иқлим ўзгариши, мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинувда икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ҳам замин яратди.

Мамлакатларимизни иқтисодий ва стратегик шерикликни барча соҳаларда кенгайтириш, барқарор ривожланиш ва минтақавий тараққиётга қўмаклашиш истаги бирлаштиради.

Покистон ва Ўзбекистон минтақавий ва глобал тинчликка қўмаклашиш, хусусан, Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида умумий қарашларга эга.

Ҳар икки давлат минтақавий савдо алоқалари ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, терроризмга қарши кураш масалаларида ўз ролини кучайтириш ниятида.

Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг ташрифи Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу нафақат кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга замин яратди, балки минтақавий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни янада оширишга ҳам хизмат қилади. Стратегик шерикликни мустаҳкамлаш ҳар икки давлатнинг ўсиб бораётган икки томонлама алоқаларидан узоқ муддатли фойда олишда давом этишини таъминлайди.

### Адам САУД, “Баҳрия” университети гуманитар ва иқтисодий фаюлар факультети декани, профессор:

— Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга бу галги ташрифи икки биродар халқ ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётган бир паллага тўғри келмоқда.

Расмий Исломобод ва Тошкент ўзаро алоқаларни кўп томонлама даражада, айниқса, COVID-19 пандемияси ҳолатида ҳам мустаҳкамлади.

Ўзаро савдонин янада ривожлантириш, маданий алмашинувларни мустаҳкамлаш, стратегик шериклик учун янги умумий асосларни излаш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича яқин ҳамкорлик, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ташаббуси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш — буларнинг барчаси икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалалардир.

Умумий дин, тарих ва маданият халқ дипломатиясини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Ўзбекистонда покистонлик талабалар сонин сезиларли даражада ошгани бу мамлакатнинг Покистон жамияти учун аҳамиятидан далолат беради. Бундай ўзаро ҳамкорлик фаол равишда қўллаб-қувватланиши керак.

Зиёрат туризми, албатта, муҳим йўналиш ҳисобланади. Аксарият покистонликлар Имом Бухорий ва Имом Термизий меросига ҳурмат билан ёндашади. Шунингдек, Покистонда ўзбек халқининг буюк аждодлари Амир Темур ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур эъзозланади.

“Uzbekistan Airways” покистонлик йўловчиларга гўзал Ўзбекистонга тўғридан тўғри ва энг қисқа масофани босиб ўтишини таъминлаш баробарида Марказий Осиё, МДҲ ва Европанинг бошқа мамлакатларига саёҳат қилиш учун муқобил йўналиш тақдим этиши мумкин.

Ҳар икки томон илм-фан, билим алмашиш, технология ва ривожланиш соҳасида бир-бирини қўллаб-қувватламоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистонга бу галги ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни янада ривожлантиришга янги суръат бағишлайди.

### Маҳмуд ул-Ҳасан ХОН, “Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар” таҳлил маркази ижрочи директори:

— Ташриф Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини барча муҳим йўналишларда, хусусан, савдо, транспорт, энергетика, минтақавий хавфсизлик, мудофаа, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда мустаҳкамлаш ҳамда стратегик шериклик муносабатларини кенгайтиришда янги босқинчи бошланиш бўлади.

Мутахассисларга кўра, имзоланган ҳужжатлар янги лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштиради.

Томонлар бизнес, транспорт ва логистика, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, терроризм ва трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш, оммавий ахборот воситалари, маданият, таълим ва бошқа соҳаларда самарали идораларо ва вазирикларо механизмларни йўлга қўйишга интилоқда.

Тўқимачилик, мода, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва ахборот технологиялари каби соҳаларда янги қўшма корхоналар яратиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Икки давлат етакчиларининг музокаралари якунлари ва эришилган келишувлар ўзаро савдо ҳажминин ошириш, сармоияларни жалб қилиш, савдо уйлари ва маданият марказлари ташкил этиш, бизнес-форумлар, B2B ва G2D учрашувлари, савдо ва қишлоқ хўжалиги кўргазмалари ва бошқа тадбирларни ўтказишга кучли туртки беради.

Покистон ва Ўзбекистон “GSP+” тизими мақомига эга бўлиб, ушбу имтиёз уларнинг тўқимачилик, тикувчилик ва мода саноати каби турли соҳалардаги ҳамкорлигини мувофиқлаштириш истиқболларини янада кенгайтиради. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги тўқимачилик корхоналаридан биргаликда фойдаланиш қўшимча афзаллик бериши мумкин.

Ҳар икки давлат барқарор транзит тизimini яратиш, савдо-иқтисодий мақсадларга эришиш, минтақавий иқтисодий-иқтисодий интеграция, товар айирбошлаш ҳажминин ошириш, савдоат кооперациясини жадаллаштириш учун транспорт-логистика коридорларини диверсификация қилиш устида ишламоқда.

Электрон тижорат ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича қўшма дастурларни жорий этиш иқтисодий дипломатиянинг яна бир истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодий интеграция ва савдо кооперациясининг янги инновацион, интеграциялашган ва рақамли моделини шакллантириш ҳам икки томонлама кун тартибнинг муҳим банди сифатида қаралмоқда.

Хусусий сектор вакилларининг иқтисодий жараёнларда бевосита иштирок этиши, улар томонидан ҳар икки давлат ҳудудида барпо этилган савдо уйлари, замонавий ишлаб чиқариш ва савдо объектлари стратегик шерикликни янада мустаҳкамламоқда.

Ишонаманки, ташриф янги марраларнинг бошланиши бўлади. Шунингдек, у Покистон ва Ўзбекистон халқлари, Марказий ҳамда Жанубий Осиё минтақаларига барқарорлик ва фаровонлик олиб келади.

### Асад Мажид ХОН, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби:

— Ташриф муҳим воқеа бўлди, чунки Покистон ҳам, Ўзбекистон ҳам Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг муҳим аъзолари ва фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган ташкилот сифатида ИХТ етакчилик даражасидаги бундай иштирок нафақат мамлакатларини икки томонлама асосда яқинлаштиришда муҳим роль ўйнашига, балки минтақавий иқтисодий ўсиш, савдо интеграциясини ва алоқадорлик бўйича маъруз тузилма кун тартибин илгари суришда ёрдам беришига қатъий ишонади.

Биз ушбу муҳим ташриф натижаларига иккинчи қараймиз ва у минтақаларо ҳамкорликни янада жадаллаштиришга умид қиламиз.

“Дуё” АА

## Ислохотлар самараси

# АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЖАНГОВАР ШАЙЛИК

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТИЗИМИДА ЯРАТИЛГАН МУНОСИБ ШАРОИТ ҲАРБИЙ ҚУДРАТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

### Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёш авлоднинг маънавий баркамол ва ватанпарвар этиб тарбиялаш, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

2024 йилда маъруза йўналишида қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қўшилганда маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш мақсадида ёзувчи ва шoirлар, олимлар, фан ва санъат арбоблари иштирокида 33 мингта яқин маънавий-маърифий ва маданий тадбир ташкил этилди. Бундай ташаббуслар орқали нафақат Куролли Кучлар сафидаги ҳарбийлар, балки ёш авлоднинг ҳам ватанпарварлик туйғусин юксалтирилмоқда.

Президентимиз топиширигига мувофиқ, “Жиззах тажрибаси” асосида юртимиз бўйлаб “Жасорат мактаби” ҳарбий ўқув йиғинлари ўтказилди, уларга уюшмаган ва профилактик ҳисобда турган 5,5 мингдан зиёд ёш жалб қилинди.

Шунингдек, йил давомида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларининг ижтимоий ҳимояси эътибор марказида бўлди. Хусусан, ҳарбийларнинг 839 нафар фарзанди олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кирди, 1200 нафарга яқин ҳарбий хизматчининг раффикаси ва ҳарбий пенсионерлар иш билан таъминланди.

Бундай гамхўрлик учун ҳарбийлар, уларнинг оилалари ва фахрийларимиз юз-кўлариди чуқур ишонч ва миннатдорлик ҳисси билкиб турибди.

Кўрсатилган эътибор ва унинг натижаси миллий армияимизнинг ҳар жаҳасида ўз самарасини бермоқда. Куролли Кучлар академиясини мисолида айтганда бўлсак, ҳарбий таълим муассасаси жамоаси ҳарбий кадрларнинг жисмоний тайёргарлиги ва гоивий-мафқуравий имунитетини ошириш, IT ва замонавий технологияларни қўллаш оладиган, тезкор қарор қабул қилиш қобилиятига эга офицерларни тайёрлаш борасида қатор тадбирларни амалга

оширди. Ўтган йили турли таҳдид ва хавфларни ҳамкорликда баргараф этиш мақсадида куч тузилмалари билан биргаликда ҳарбий таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари ўртасида 9 мартта икки поғонали қўшма кўмондонлик ўқувини ҳамда 2 мартта стратегик ҳарбий иш ўйинлари ўтказилди.

Бунда офицерларнинг жангнинг режалаштириш ва бошқариш бўйича кўникмаларини ривожлантириш, Куролли Кучлар тизимини рақамлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбийлар ва ёшларнинг гоивий-мафқуравий имунитетини ошириш, уларни мактабдан бошлаб ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби қатор вазифалар параллел равишда ҳамжамиятликка олиб борилади.

Академия томонидан реал шароитларга мослашган оператив-тактик вазифалар ишлаб чиқилди. Курсант ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш мақсадида “Хавфсизлик асослари. Хавф ва таҳдидлар, Миллий манфаатлар”, “Сунъий интеллект ва унинг ҳарбий соҳада қўлланилиши” каби факультатив курслар йўлга қўйилди.

Академия жамоаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиёти унинг мудофаасига узвий боғлиқлиги ҳақидаги хулосалари ва қўйган топириқларини тўлақонли бажариш йўлида бор куч-гайрати билан одимламоқда.

Ҳозирги замонавий қуроли тўқнашувларда сунъий интеллект, робот, ракета, дрон ва уларга қарши кураш воситалари кенг қўлланилмоқда. Глобаллашув ва гибрид урушлар кечаётган жараёнда IT ва ахборот технологиялари, дронлар ва уларга қарши курашиш сир-асрорларини чуқур ўрганиш мақсад қилиниб, хорижлик ҳамкорлар билан барпо этилган киберхавфсизлик, дастурлаш лабораторияларида махсус ўқув курслари дастурлари бўйича мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.



Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳарбий хизматчилар соғлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасасидир. У нафақат Куролли Кучлар шахсий таркиби, балки уларнинг оила аъзолари ҳамда фахрийлар учун ҳам юқори малакали тиббий хизмат кўрсатапти.

Муассаса фаолияти армияимиз умумий жанговар тайёргарлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам бевосита боғлиқ. Чунки соғлом ва жисмонан бақувват ҳарбийлар мамлакат хавфсизлигининг мустаҳкам қафолатидир.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали республикамиздаги энг замонавий, кенг қамровли диагностика ва даволаш имкониятларига эга бўлган тиббиёт масканларидан бирига айланди. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда 4 мингга яқин жарроҳлик амалиёти ўтказилди, улардан 46 фоизи юқори технология операциядир. Аорта-коронар шунтлаш, юрак клапанларини протезлаш, юрак тож томилларини стентлаш, тос-чаноқ ва тизза бўғимларини эндопротезлаш амалиёти шулар жумласидан.

Ўтган йили оғир жароҳат олган ёки касалликка чалинган ҳарбий хизматчиларни тезроқ соғайтириб, хизмати ва оиласига қайтариш мақсадида энг замонавий реабилитация маркази ишга тушди.

Нафақат госпиталларини замонавий тиббий техника билан таъминлаш, балки у ерда фаолият юритувчи шифокорлар салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда армияимиз фақатгина моддий-техник базаси билан эмас, балки стратегик режалаштириш, оператив бошқарув ва жанговар тайёргарлик тизими жиҳатидан ҳам жаҳон талабларига мос равишда тақомиллашиб бормоқда. Куролли Кучларимиз қўшин турлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайиб, ҳарбий амалий машғулотлар доирасида янги тактик усуллар самарали ўлаштирилмоқда. Бу эса армияимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш билан бирга, ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларга қарши муносиб жавоб қайтариш имкониятини янада мустаҳкамлайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, уларни муносиб маош, ижтимоий қафолатлар ва таъминот билан таъминлаш давлатимиз мудофаа сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.



нади. Бу борада хизматчилар ва оила аъзолари учун замонавий турар жой мажмуалари барпо этилиши, тиббий хизмат кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши, болаларининг сифати таълим олишига шароит яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ҳарбийларнинг маънавий ва жисмоний тайёргарлигини янада ошириш, уларни узлуксиз равишда қайта тайёрлаш учун зарур инфратузилма яратилмоқда. Бундай чора-тадбирлар ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, армия сафларига юқори малака ва интизомга эга кадрларни жалб этиш ҳамда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча қиритиш тўғрисида”ги қарориди ҳам бу йўналишда кўрсатилган гамхўрликнинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин.

### Ҳусан БУЛТАКОВ, кичик сержант:

— Шарофли ва масъулиятли хизмат бурчимизни адо этиш давомида давлатимиз раҳбари томонидан бизга билдирилган юксак ишонч ва гамхўрликни ҳамма ҳам эътибор билан, ундан баҳраманд бўлиб келямиз. Президентимизнинг ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган навбатдаги қарори бизни янада руҳлантирди.

Хусусан, турар жой ижараси учун тўланадиган ҳар ойлик пул компенсациясини миқдорининг 20 фоизи, оила аъзолари 3 киши ва ундан ортққ бўлган тақдирда ушбу миқдор 50 фоизи оширилгани, ҳарбий хизматчиларга турар жой сотиб олиш учун ипотека кредити олиншида ажратиладиган дастлабки бадал миқдори уй-жой ҳисобланган қўяматининг 35 фоизи миқдорига етказилгани бизни мамнун этди.

Бу каби гамхўрлик ва имтиёзларини бизга нисбатан билдирилган юксак ишонч ва эътибор намунаси деб биламан. Ишончга, ватан ҳимоячисини номига доим муносиб бўлишга бор куч ва билимимни сафарбар қилиб, барчасига муносиб хизматларим билан жавоб қайтараман.

Куролли Кучларда ўтказилган ислохотлар тўғрисида бугун миллий армияимиз том маънодаги профессионал армия даражасига етди. Унинг таркибиди ўз касбининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилляпти. Ана шундай мудо, баркамол ёшлар сафиди эканини менга чексиз фахр, ифтихор бахш этади.

### Раъно БУЛТАКОВА, кичик сержант Ҳусан БУЛТАКОВ-нинг раффикаси:

— Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 февралдаги қарорини катта ҳаяжон билан ўқидим. Таъкидларини истардимки, биз — ҳарбийларнинг оилаларига эътибор ва гамхўрлик йилдан йилга ошиб, кўрсатилган ёрдам қамрови кенгайиб бормоқда.

Турмуш ўртоғим хизмат тақозоси билан юртимизнинг турли гарнизонларида фаолият кўрсатди. Демак, мен ҳам ҳар хил шарт-шароитларда яшаб, ҳарбийчи ҳаётнинг пасту бандиди. Ўзига хос қийинчиликлари билан яхши танишман.

Оила бекаси сифатида, аввало, ватанни ҳимоя қилишдек энг шарофли, элу юрт адоғидидаги, давлатимиз раҳбарияти эътиборидидаги касбин танлаган инсон билан ҳаёт йўлимини боғлашдан, унга елкадош бўлаётганимдан фахрланаман. Фаровон турмуш кеңиришини учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан миннатдоримиз.

Ҳарбий хизматчиларга берилаётган бу каби ижтимоий қафолат ва қўллаб-қувватлаш чоралари уларнинг жанговар руҳини мустаҳкамлаш, хизматта садоқатини ошириш ва армияимиз умумий мудофаа қобилиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган фидойилар ва ватанпарвар юрт ҳимоячиларимиз берилаётган бу каби эътибор ва рағбатдан янада куч олиб, юксак масъулиятини теранроқ ҳис этиши шубҳасиз.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ, мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалаларини бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби, полковник



Буюк ўзбек йўли

# СИЁСИЙ ТАФАККУРИ ЮКСАК ХАЛҚ

## БУНДАЙ ЖАМИЯТНИ АСЛО ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ



Исмоил СОИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

### Бошланиши 1-бегда

Янги Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадларга жамиятда учраб турган иллатлар, жумладан, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик ва коррупцияга қарши курашда аҳолининг барча қатламлари сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини шакллантирмасдан, ривожлантирмасдан, амалда қўллаган турли эришиб бўлмайдиган. Бунда сиёсий тафаккур жамият сиёсий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг умумий, хусусий, алоҳида томонларининг ўзаро алоқадорлигини аниқ эътируви, аниқ вақтда ўзгартирувчи ва бирор мақсад сари йўналтирувчи ақлий билишнинг юқори шаклидир.

Аҳолининг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти юксак даражада бўлсагина, улар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга фаол муносабатда бўлади, шахсий фикрини билдирган ҳолда жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиши мумкин. Сиёсий ёки ҳуқуқий тафаккурни юксалтириш, ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлилдан ўтказиш, давр талабларидан келиб чиқиб, уларга тегишли ўзгаришларни киритиш, эскирган ва тараққийётга тўсиқ бўлаётган меъёрларни бекор қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистондаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида аҳоли онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни ўрганиб бориш ва тегишли социологик тадқиқотларни ўтказиш вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар олдини олиш ва манзилли чора-тадбирлар кўриши имконини беради.

Жамиятни модернизациялаш ва янгилаштириш жараёнида том маънода инсон манфаатлари асосида амалга оширилаётгани, инсон ҳаёти, фикри, хоҳиш-иродаси ва меҳнати, мулки давлат томонидан ҳимоя қилиниши қонунларда кафолатлангани мамлакатда сиёсий тафаккур, ҳуқуқий жавобгарлик ва ҳуқуқий бурч давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганини билдиради. Оддий қилиб айтганда, бугунги аҳоли кечаяк ҳамма нарсага эргаштириб кетаверадиган оми оломон эмас.

Ҳа, халқимизнинг тафаккури ўзгарди. Биргина конституциявий ислоҳотлар, янгилаштирилган мисол тариқасида келтирайлик. Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинишида халқимиз ўз тақдирини ташаббуслари билан фаол иштирок этди. Бош қонунимизнинг муаллифи халқимизнинг ўзи бўлди. Конституция лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганидан то у референдумда маъқулланиб, қабул қилинганига халқимиз бу жараёнларда фаол қатнашди.

Бугун барча муҳим қонун ва қарорлар жамоатчилик муҳокамасидан кейин қабул қилинаётгани халқимизнинг сиёсий тафаккури юксалганидан далолатидир десак янгилашмаган бўламиз. Қолаверса, халқимизнинг тафаккури кучайгани ҳисобига аралаш сайлов тизимини жорий этишга мустаҳкам замин яратилди. Ҳолбуки, кўплаб давлатларда бундай ислоҳотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлган.

Сиёсий тафаккур жамият сиёсий тизимининг энг асосий элементларидан бири сифатида муҳим ўринга эга. Жамиятда сиёсий тафаккурнинг нечоғлик ривожланганлиги даражасига қараб, унинг сиёсий тизими қанчалик мукамаллигига баҳо бериш мумкин. Сиёсий тафаккур маънолари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида, аҳолини маънавий жиҳатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий тафаккурнинг ҳозирги вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган қатор тақлидлари бор. Масалан, сиёсий тафаккур ўзига маърифатни, онглиликни ҳамда ижтимоий сиёсий фаолиятни қамраб олган шахс ва ижтимоий бирлиқнинг маданиятидир. Ёки ўз ичда ижтимоий сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисmidир.

Азал-азалдан бир ҳақиқат бор, яъни тафаккури кучли, ҳуқуқини билган инсон — қудратли инсон. Бунда, сиёсий тафаккур — қудратли инсон. Бунда, сиёсий тафаккур — қудратли инсон. Бунда, сиёсий тафаккур — қудратли инсон.

поймол бўлишига йўл қўймайди, адолатсизлик, қонунбузарликка қарши кураша олади, ани пайтда ўз зиммасидаги масъулият ва бурчни ҳам чуқур ҳис этади. Демак, бундай шахсларнинг кўпчилиги ҳар қандай жамиятнинг бойлигидир.

Биз бугун шиддат ила кечаётган бир даврда яшаймиз. Дунёда кескинликлар, маҳобатли ўзгаришлар содир бўляпти. Бу жараёнда жамият ўзгаришлари баъзан инсон онг-тафаккурини ҳам орта қолдириб кетаётгандай. Дунёвий тузумга қарши қаратилган диний таъвозулар, террористик ҳаракатлар, уюшган жиноятчилик ва коррупция шиддат билан кучайиб бораётди. Буларнинг ортада тафаккурнинг паслиги, жаҳолат, билмсизлик, илмсизлик, таълим олишга бепарқлик каби иллатлар ётибди.

Одамларда сиёсий онг ва тафаккурни юксалтирмай, қонун устуворлигини кенг қўламда кучайтирмай, ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиш мурракка бўлади. Республикада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти қуриш учун замин тайёрлаш, аввало, ўз ҳуқуқ, маъбурият ва эркинликларини англай оладиган, уларга оғишмай амал қилишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишни талаб этади. Шу маънода, таълим бизни қутқарадиган нажоткор куч бўлиши мумкин.

Киши кундалик воқеа-ҳодисаларни кузатиб, доимо ҳушёр турмас, сиёсий таъжриба ҳосил қилмас экан, сиёсий тафаккурга эга бўлиши қийин. Шунинг учун воқеа-ҳодисаларни сиёсий идрок этиш тафаккурнинг барча турларидан фарқ қилади ва улардан устундир.

Миллат ўзи учун энг муҳим бўлган миллий тафаккури, яъни ўйлаш, фикрлаш имкониятини асраб қолиши жуда зарур. Акс ҳолда, дунё адабиётининг йирик намоёнаси Чингиз Айтматов айтганидек, манкуртлик ботқоқига тушиб қоламиз. Манкуртга айланishi ёки манкуртга айлантирилиш ҳодисаси тарихда ҳам, бугун ҳам кўп учрайди. Тафаккуридан айрилган миллат овоз қилмасдан маҳрум бўлади. У эркинлик туйғусини ҳис этамайди. Ҳис этолмайди. У қарамликни, қулликни курашсиз, норизо бўлмасдан, табиий қабул қилади. У бўйсиниб, муте бўлиб яшайди. Унинг учун муқаддас тушунчанинг ўзи йўқ.

Сиёсий тафаккурни йўқотиш миллат таназзулини билдиради. Мустамаккачилик зулмига қўнқикан миллат ҳатто мустақилликнинг маъмул-моҳиятига ҳам етиб бормайди. Унинг тафаккурида кўрқув, ҳадик ҳукронлик қилади. У эркинлик ҳавосидан нафас оломайди. Унинг ўтпаси рутубатга, чиркинликка тўлган.

Президентимиз миллатга миллий, сиёсий тафаккурини қайтарди. Миллатга фикрлаш, ўйлаш, эркин сўз айтиш туйғуларини қайтариб берди. Сиёсий тафаккурни қайтариб берилган миллат ўзининг тарихий илдиралишини англаб етди. Тафаккуримиз занглаши оқибатида дунёдан узилиб, ҳатто Марказий Осиёда ҳам аққалиниб қолган эдик. Бунинг натижасида бир неча бор урушгача етиб борадиган таҳликали вазиятлар юз берди. Оқибатда қанчадан қанча инсонлар, қариндошлар орасига сунъий парда ташланди. Қуда-андалар, қариндошлар бир-бирининг маъракасига, тўй-тўноғига боролмай қолди. Ҳатто паспортини ёнида олиб юриш ёқидан кўтарилган нурдошимиз Тошкентдан водийга ёки воҳалик Тошкентга келолмасди.

Тасаввур қияласизми, ўз юртингда паспортингиз уйда қолгани учун қўшин вилоятга киролмай орта қайтасиз. Бу эртак эмас. Фақат Президентимизнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиесати тудайлигига Ўзбекистон дунёга очилди. Янги Ўзбекистон яратилди. Энди ҳеч нарсага бепарқ бўлмаган, тафаккури уйғоқ миллат шаклланди. Моддий муаммони ечиш осонлиги, аммо тафаккур таназзулини бартараф этиш учун йиллар, ҳатто асрлар ҳам етмаслиги аён бўлди.



Кейинги йилларда миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, гоёт муҳим натижаларни қўлга киритяёмиз. Энг асосий натижа бошлаган ислоҳотларимиз ортада қайтмадиган муқаррар тус олганда, бугунги жамиятимизнинг сиёсий ва маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда. Бундай жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўзи йўлидан тўхта олмайди. Бугун миллионлаб ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислоҳотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Аксинча бўлганида-чи? Сиёсий “сўқир”-лик жамият тараққиётини секинлаштиради, дерири барча соҳаларда мамлакат “кувиб боруви” мақомида қолади, спортнинг айрим турларини истисно қилганда, бирор соҳада илғорликка, етакчиликка даъво қила олмайди. Шу боис, оммавий ахборот воситалари кучидан фойдаланган ҳолда сиёсий технологияларни қўллаш, миллий контентлар яратиш орқали халқимизнинг сиёсий билиминини юксалтириш, тафаккурини чархлагаша эътиборни янада кучайтиришимиз даркор.

Бугунги медиамакон, ахборот-коммуникация шакллари тобора кўпайиши даврида интернет, мобил алоқа ва бошқа воситалар ёрдамида жамиятга маънавий интервенция айнан “Soft power” сиёсий технологиялари орқали амалга оширилади, ёшлар онги руҳий-ғоявий манипуляцияга дучор қилинади. Турли ижтимоий сайтлар ва каналлар амалдаги таълим-тарбия йўсинидан фарқ қилиб, тезкор, таъсирчан ва дунёқарашига мос сиёсий технологиялар воситасида ёшлар қалбини забт этади. Сиёсий технологияларсиз эса маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мумкин эмас.

Давлат бошқарувида шаффофлик кузатилди — ҳар бир фуқаро ушбу соҳада

ҳолат бўйича маълумот олиш имкониятига эга. Бунда, афсуски, турли блогер ва мустақил журналистлар учқунни алангалатиш, “бургага аччиқ қилиб кўрпани ёндириш” — жамиятда беқарорлик вазиятини шакллантириш, ҳокимият обрўйини тўкишга, аҳолини гиж-гижлатишга уринади, барқарор ривожланишга реал хавфларни жонлантиришга ҳаракат қилади. Бундай шароитда халқ танлаган дунёвий демократик тараққиёт йўлини сақлаб қолиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Президентимиз талбири билан айтганда, халқимизни Учинчи Ренессанс бекатига олиб чиқиш маърифат соҳасидаги эзгу мақсадлардан биридир.

Ушбу улкан мақсадларга эришиш фуқаролар томонидан сиёсий саводхонлик, сиёсий тафаккурни чархлаш, ҳукумат қарорларини изчилик билан бажариш, турли алдов ва бузғунчи таъсирларга

янада таъминлаш бўйича фаол ҳаракатлар қилини, тарафдорларнинг сиёсий тафаккурини ошириш устида муттасил ишлаши лозим бўлади.

Шунингдек, сиёсий партиялар ўзининг асосий электорати сифатида танлаган ижтимоий гуруҳлар манфаатларини қонунчилик ва ижро ҳокимияти доирасида янада тереңроқ ифодалашга интилса, аъзолари сафи кенгайиб, мавқеи янада ошиб боришига мустаҳкам замин яратилади. Партиялараро рақобат янги босқичга чиқади.

Ярим асрдан ортқ вақтдан бери олий таълим тизимида ишлаётган педагог сифатида таърибамдан келиб чиқиб яна бир фикрни айтмоқчиман. Ёшларнинг сиёсий тафаккури, дунёқарашини анча ўзгарган, юксалган. Улар олдинги ёшлар эмас. Аввал талабаларни мажбурлаб ўқитган бўлсак, бугун мустақил фикрлайдиган, билимга чанқоқ, замонавий



**“ Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил боряпмиз. Вужудимиз, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу оруз ва мақсадимиз — янги Ўзбекистонни, албатта, бунёд этамиз. Сиёсий тафаккури юксак халқи билан Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади. ”**

берилмасликини тақозо қилади. Бу борада давлат, ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги маъсофани янада қисқартириш, давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштириш, муштараклигини таъминлаш мақсадида мамлакат медиамаконига сиёсий технологиялардан мақсадли ва самарали фойдаланишни илмий асосда йўлга қўйиш, сиёсий партияларга ўз электорати нуфузини ошириш, етакчи сиёсий партия мақомига эришиш учун замонавий, сиёсий технологияларни шакллантириш ва улардан рақобатли сайлов жараёнида фойдаланиш мақсада мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги янги босқичда сиёсий партиялар аъзолари сонини кўпайтириш, дастурларини янада такомиллаштириш, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни кундалик ҳаётга тағбиқ этиб бориш, энг асосийси, партия электорати билан изчил мулоқотда бўлиб, ичига чуқур ва тизимли равишда кириш, муаммоларига амалий-ташқил жиҳатдан самарали ечим излаш, қонуний манфаатларини

технология ва билимларни эгаллашга интиладиган сергайт ёшлар бизни ўз устимизда кўпроқ ишлашга мажбур қилипти. Уларда ислоҳотларга ишонч руҳи юқори.

Мақтабларда ҳам сиришга катта. Ўрта мактабларни биттириб, университетга кирган ёшларда шу нарсаларни кўряпмиз. Бошқа ҳамкасблар билан суҳбатлашгани асносида бу тенденция кучайганига амин бўлман. Демак, ислоҳотлар мевасини бермоқда. Айтмоқчиманки, сиёсий тафаккур юксалишида таълимдаги ислоҳотлар катта роль ўйнаётди. Хусусан, ижтимоий фанлар ўқитилиши ҳам ёшлар тафаккури ўсишида муҳим бўлди. Зеро, ижтимоий соҳа бошқа техник ва иқтисодий, тижорат, молия, ҳўжалик соҳалари каби тўғридан тўғри катта даромадлар келтирмайди. Лекин жамиятнинг маънавий бўлиши орқали юз берадиган оқибатлар ва офатлар тузатиб бўлмайдиган қулфатларга сабаб бўлиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Афсуски, бундай ҳаракат тарафдорлари жамиятимизда ҳам учраётти.

Ижтимоий фанларни қамайтирган ҳолда етук мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Аммо ҳақиқий ватанпарвар, миллат учун гам чекадиган инсонни тарбиялаш анча мушкул иш. Учунчи Ренессанс ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик, ҳаракат қилмайлик, унинг тўп моҳиятини ижтимоий-гуманитар фанлар ёрдамида ёшлар онгига сингдириб бўлмайди. Ижтимоий-гуманитар фанлар Учунчи Ренессанс бошлангани ва ривожланиши каталогизатори, юксак тафаккур пойдевори ҳисобланади. Айнан ижтимоий-гуманитар фанлар халқни ва бугун миллатни уйғотишга қодир юксак кучдир.

Бугун биз замонавий билим ва технологиялар, иқтисодий эгаллаган авлодни тайёрлашимиз керак. Табиий-техник ва иқтисодик фанлари бундай мутахассисларни тайёрлаш учун асосий омил экани шубҳасиз. Аммо янги авлодни халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислоҳотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган, етук инсон этиб тарбиялаш учун ушбу фанларнинг ўзи кифоя қилмайди.

Биз давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилган, бу борада барча ижтимоий қаҳириқ ва давлатларга “лаббай” деб жавоб берган ота-боболаримиз авлоди таъсирида тарбияланди. Уларнинг бундай авлод бўлишида ижтимоий фанлар тизимининг аҳамияти катта бўлган. Шундай экан, ижтимоий фанларга эътибор бермаслик оқибатида дунёқарашини бир томонлама шаклланди, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона ва бугунги кунда чет элларда “бой берилган авлод” дея атаётган ёшлар авлоди бизда ҳам вужудга келмайдими? Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида бундан 60-70 йил илгари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида хоржода ишлаб чиқилган ва асосан, маънавий ва гуманитар таълимга пул сарфлаш зарур эмас деб ҳисобланган ва мутлақ гоёсизликка асосланган ижтимоий концепция оқибатлари қандай бўлганини бугун кўриб турибмиз, дея таъкидлайди. Демак, ижтимоий фанларни ўқитишга вақт ва маблағни аямаслигимиз керак. Беш йил, ўн йил ўтар, сарфланган ресурс исиз кетмаганининг гувоҳи бўламиз. Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби давлатлар таърибаси ҳам таълим ва тарбияга сарфланган молия ўзини оқлаганини бугун дунёга намоён қилди. Агар ижтимоий фанларни эътибордан қолдирсак, яна эски йўл ўзанларига тушиб қоламиз. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар ҳақида гап кетса, унинг таърифи жуда мароқли ва заворли: жамиятда тафаккур эпопеяси рўй бермоқда. Бу мардонлар юксалиши йўли билан уйғун ҳодиса. Ана шу йўл барчамизни, кўп миллатли халқимизни янги марралар сари чорлаб туради.

Зеро, бугун тараққиёт йўлида дадил одимлаётган янги Ўзбекистон учун унинг ривожига тўсиқ бўладиган, ўзи ишламай, ишлаётганларга халал берадиган, қузатуви ва томошабин позициясига турадиган одамлар эмас, аксинча, юртга дахлдорлик билан яшайдиган, мамлакатни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, халқ ва давлат учун ҳалол, виждонан ва сидқидилдан хизмат қиладиган, бир сўз билан айтганда, ватанпарвар, фидойи, ташаббускор шахслар керак. Янги Ўзбекистон ислоҳотлари ёш авлод онгига, сиёсий тафаккурига миллий гуруру билан кириб бормоқда. Жамиятдаги янгилаштирилган орқали ёшлар ўзининг воқеликка сиёсий фаоллиги билан ёндашиб, халқнинг тарихан шаклланган юксак фалсафий тафаккурини терең англаб етди. Мана шундай сиёсий фаол ёшлар юртимизнинг барча ҳудудларида етакчилик фаолияти билан ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалар ривожига ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил боряпмиз. Вужудимиз, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу оруз ва мақсадимиз — янги Ўзбекистонни, албатта, бунёд этамиз. Сиёсий тафаккури юксак халқи билан Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.



Кун мавзуси

Курилиш охириги йилларда Ўзбекистонда энг тез ривожланаётган соҳалардан бирига айланди. Айниқса, шаҳарларда кўп қаватли турар жойлар қуриш шу қадар оммалашди ёки шароит ва имкониятлар бунга йўл очдики, натижада хусусий қурилиш компаниялари сони ортиб, ҳар қадамда бир янги уй қад кўтара бошлади. Бунинг ортидан юзлаб, минглаб оилалар уй-жойли бўлаёттир. Аммо ваъда қилинган уйлар кўтарилмай, пулига чув тушиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас.



ЭСКРОУ ТИЗИМИ УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ПУЛЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Кўп ҳолларда янги қурилаётган уйларнинг топширилиши кечикиб, аҳоли тўлаган пуллари музлаб тургани, шартномалар, асосан, қурувчи манфаатига хизмат қилаётгани охириги йилларнинг энг оғриқли муаммоларидан. Ҳали бир ғишти қўйилмасдан туриб, уй-жой сотиш, одамлар лойиҳада қўрган хонадонни учун белгиланган нархнинг бир қисмини олдиндан тўлаши, энг ачинарлиси, шартнома шартларини тузукроқ ўқимасдан ҳамда уй-жой қурилишига қонуний асослар ўрганилмасдан имзолаши ортидан юзга келаётган муаммолар аксариятимизга таниш.

Бир неча йил олдин кўп қаватли одамлар катта бир қурувчи компания устидан шикоят қилиб, ваъда қилинган уй-жой қурилмаётгани, пуллари ҳам қайтариб берилмаётгани бўйича судга мурожаат қилгани билан боғлиқ ҳолат анча шов-шув бўлган. Мурожаатчилар сони шу қадар кўпلىгидан ҳатто вазият давлат назоратига олинган. Тўлов қилганларнинг аксариятига давлат томонидан қурилган янги хонадонлар берилди. Аммо ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Чунки аҳоли хусусий компания билан шартнома тузар экан, унда давлат бирор мажбуриятни зиммасига олиши келтирилмайди. Келишув икки томонлама бўлади, мажбуриятлар ҳам шунга яраша. Одамлар айланаётгани ҳам шундан. Афсуски, кўпчилик шартномани тушуниб-тушунамай имзолайди, шартлар эса кўпроқ қурувчи компания манфаатларига хизмат қилади. Қонуний чора қурилганда жараён анча узоқ давом этади. Бунинг ортидан кейинги йилларда юрдошларимизда янги қурилаётган уй-жойларни харид қилдишда бир оз қўрқув ва иккиланашлар пайдо бўлди.

Шу каби ҳолатлар ва айни вазият уй-жой қурилишида аҳоли маблағлари ҳамда ҳуқуқлари ҳимоя қиладиган янги тартибни жорий этишни тақозо этаётган. Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Уй-жой қурилиш соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектиларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони масала ечимида айни муддао бўлди. Чунки унда турар ва нотурар жой объектиларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини янада тартибга солишга қаратилган аниқ механизмлар белгиланди. Аввало, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш кўзда тутилган. Қолаверса, уй-жойларни улуш киритиш ва ипотека кредити асосида сотиб олишнинг ишончли ва самарали имкониятлари яратилмоқда.

Энди қурилишга улуш киритиш фақат нота-риал тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилади. Яъни жорий йил 1 июлдан бошлаб қурувчилар ва мижозлар ўртасидаги улуш киритиш шартномалари мажбурий тартибда нотариусда тасдиқланиши ва кадастр рўйхатидаги ўтказилиши керак. Шу санадан

этиборан янги механизм — эскроу тизимини жорий этиш бошланади. Бу тизим улшдор, яъни уй-жой сотиб олиш истагидаги харидорлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоялаб, тўлов пуллари ишончли сақланиши ва хонадон ўз вақтида топширилишини кафолатлайди.

У қандай ишлайди?

Эскроу — инглизча “escrow” сўздан олинган бўлиб, пул ёки мол-мулкни сақлаш маъносини англатади. Бу ишнинг, хизматнинг буюртмачиси ёки товар олувчиси томонидан тўланган пуллар, иккинчи томондан, ўз мажбурияти лозим даражада бажарилма-гунга қадар тўланган маблағлар музлатилган ҳолда учинчи шахс томонидан сақланиши-ни назарда тутувчи ҳуқуқий механизм ҳис-обланади. Бунда ишни бажарувчи, хизмат ижросини, товарни топширувчида ишни бажарган, хизматни кўрсатганида ёхуд то-варни топшириганидан кейин унинг ҳақини ололмастик хавфи камаяди. Ўз навбатида, иккинчи томонда пулни тўлаганидан сўнг иш, хизмат ва ашёдан қуруқ қолиш ҳолатла-рига йўл қўйилмайди.

Тизим жаҳон амалиётида синовдан ўтиб келяпти. Германияда эскроу ҳисоборақам очиб ва уни юритиш бўйича хизматларни нафақат банклар, балки нотариуслар, солиқ агентлари, аудиторлар ҳамда адвокатлар ҳам кўрсатиши мумкин. Мисол учун, нотариус томонидан очилган эскроу ҳисобварағига кўра, нотариус олди-сотиш шартномаси ба-жарилишини назорат қилиб боради ҳамда шартнома шартлари бажарилгандан кейин пулни сотувчига бериши мумкин бўлади. Мазкур механизм мамлакатимизда фаол қў-ланилиши фўқароларнинг мулкий ҳуқуқла-ри бузилиши, пул тўлаб, кейин мол-мулкни қуриш ҳамда уни эгасига етказиб бериши кафолатлайди. Қурувчи ва харидор ўртасида қафил бўлиб хизмат қилади.

Афсуски, бутунги кунда кўп ҳолат-да улшдорнинг ҳуқуқи поймол бўляпти, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Дав-рон Мелвев. — Девелоперлар томонидан пуллари ўзлаштириб, қайтариб бермаслик ҳолатлари кўп. Шу боис, янги қонуний ти-зимни ишлаб чиқиш жараёнида, бирин-чи навбатда, улшдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, девелоперлар учун



банкка тўлов қилади. Қурувчи ва тижорат банкка ўзаро келишув асосида банкда эскроу ҳисобварағини очади, улшдор тўлаган пул-лар шу ҳисобварақда йиғилади. Эйтиборли-си, уй битмагунча қурувчи компания бу пуллардан фойдалана олмайди. Турар жойни эса ўз маблағлари ёки банк кредити асосида қуриб битказилади.

Улушли шартнома орқали девелопер кўр-сатилган уйни қуриб, ўз вақтида топшириш мажбуриятини олса, банк улшдорнинг пул маблағлари эскроу ҳисобварағида йиғили-ши, хавфсиз сақланиши, шунингдек, деве-лопернинг уй-жой қурилишини лойиҳавий молиялаштириш тартибини назорат қилади. Банклар уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриш ҳамда уни эгасига етказиб бериши кафолатлайди. Қурувчи ва харидор ўртасида қафил бўлиб хизмат қилади.

Афсуски, бутунги кунда кўп ҳолат-да улшдорнинг ҳуқуқи поймол бўляпти, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Дав-рон Мелвев. — Девелоперлар томонидан пуллари ўзлаштириб, қайтариб бермаслик ҳолатлари кўп. Шу боис, янги қонуний ти-зимни ишлаб чиқиш жараёнида, бирин-чи навбатда, улшдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, девелоперлар учун

жамлаб борилади. Бу ахборотларни харидор-ларнинг ўзи ҳам платформадан кузатиб, қу-рувчининг рухсатномаси мавжудлиги, унинг рейтингини ва олдинги лойиҳалари ҳақида бил-либ бориши мумкин. Қурилиш жараёна-рининг платформа орқали шаффоф кўриб бо-рилиши соҳада инвестициялар хавфсизлиги, ишончли девелоперлар бозори шаклланиши-га хизмат қилади.

Агар уй-жой ўз вақтида битказилма-са, тақдим этилган кредит ҳисобига банк объектни битмаган ҳолда олиб қўяди ва ўз маблағлари ҳисобидан ёки бошқа инвестор томонидан қуриб битказиб, бозорга тақдим этиши мумкин. Бу борада шунга ўхшаш бир неча вариант таклиф қилиняпти.

Қурувчи компанияларга “жабр” бўладими?

Уй-жой қурилиши даромадли бизнес-лардан бири. Қолаверса, юртимизда аҳоли сони тобора кўпайиши ҳисобига янги турар жойларга талаб ошяпти. Буни қоплаш учун инвесторлар, қурувчи компанияларга қулай шароит, имтиёзлар берилляпти. Фақат бундан тўғри фойдаланиш, одамларга манфаатли таклифлар бериш инсофдан бўлади.

Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзи-да 100 мингдан зиёд хонадонга эга 2044 та кўп қаватли уй барпо этилди. Бунинг орти-дан пудратчилар, бошқарув ва сервис, ку-рилиш материаллари, транспорт каби соҳа-ларда 350 минг одам ишли бўлди. Мебель, электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари соҳаларида қўшимча 11 три-лион сўмлик бозор пайдо бўлди.

Демак, эскроу тизимини жорий этишдан кўзланган мақсад фақат харидорлар ман-фаатларини ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Агар шундай бўлса, уй-жой қурилиш бозоридagi тадбиркорларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, соҳадан узоқлашиши мумкин. Бундан эса ҳеч кимга манфаатдорлик йўқ. Аксинча, янги тизимни тўлиқ ишга туши-риш орқали девелоперлар (бир вақтнинг

ўзида инвестор, лойиҳачи, қурувчи каби вазифаларни бажарувчи) ишини ҳам ен-гиллаштириш назарда тутилган. Масалан, эскроу тизим девелоперларга ҳозиргидан пастрок ставкада маблағ жалб қилиш имко-нини беради. Қурувчи ташкилотлар қури-лишни бошлаганидан якунлағунча, лекин кўпи билан 12 ой давомнда ер солиғи тўла-шдан озод қилинади. Бироқ объект муддатда топширилмаса, девелопер ер солиғини 2 кар-ра миқдорда тўлайди.

Энди қурувчиларга маблағларни фақат эскроу орқали жалб қилишга рухсат этила-ди. Бунда компания объектнинг 30 фоизини ўз маблағлари, 70 фоизини эскроу ҳисоби очилган банк кредитидан қуради. Аммо банкда очилган эскроу ҳисобварағидаги пул-лар қурилишга йўналтирилмайди. Объект тўлалиғича тадбиркор ва банк кредити ҳис-обига қурилади. Тижорат банки ҳисоборақамда турган кафолатли пуллар эвазига қурувчига арзонроқ фойза кредит ажратлади.

Қурилиш битиб, харидор хонадонни қа-бул қилиб олгач, унинг банк ҳисобварағида-ги пул девелопер ташкилотга ўтказилади ёки кредитни сўндириш учун ечиб олинади. Қу-рувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақ-дирда бу пул эгасига 6 ойдан кейин қайтариб берилади. Яъни уй битмай қолса, харидор куйиб қолмайди, банкка қўйган пуллари-ни муаммосиз қайтариб олади.

— Ўзбекистонда эскроу тизимини ривож-лантириш бўйича ишланаётгани қувонарли. Буни бир неча йил олдин тасаввур ҳам қила олмасдик, — дейди Ташкент шаҳридаги “Янги замон бино” корхонаси директори Артём Крескас. — Жаҳон тажрибасида ку-рилиш олди-бердилари айнан шундай ти-зим асосида бўлади ва бу соҳага замонавий механизмлар кириб келаётганидан далолат. Турар жой қуриш доим жиддий масала ва у назоратда бўлиши керак. Бу хоҳ сифат, хоҳ шартнома ёки тўловлар масаласида бўлсин. Шу орқали қурилиш бозорига соғлом рақо-бат шаклланиб, компаниялар харидорлар ишончини қозониши учун ўз устиди ишлай бошлайди. Юртимизда эскроу тизимини ривожлантиришга 1 миллиард доллар ва халқро молиявий институтлар маблағлари ҳисобидан 310 миллион доллар жалб эти-лаётгани ҳам бежиз эмас. Бу яқин йилларда, албатта, ижобий натижасини беради.

Янги тизим билан фўқароларнинг уй-жой учун тўлаган пуллари ҳар томонлама ҳимоя-ланади. Хусусан, юқоридagi фармон билан эскроу ҳисобварағига йўналтирилган пул маблағларини тўхтатиб қўйиш ёки ҳисобдан чиқариш тақиқлаб қўйилган. Ҳатто улш-дорнинг айрим сабабларга кўра, Мажбурий ижро бюросидан қарзи бўлиб қолган тақдир-да ҳам эскроу ҳисобварағидagi маблағларига тегилмайдди. Бу пуллар фақат улуш киритил-ган уй-жой биттач, фўқаро танлаган хонадон харидига йўналтирилади.

Яна бир афзаллиги, улшдор ўз улушини ҳали уй битмай туриб мулк сифатида сотиб юбориши ҳам мумкин. Натижада ҳали ка-дастри чиқмаган уйларнинг ҳам иккиламчи бозори пайдо бўлади. Улуш сотилган тақ-дирда девелопер ва банкнинг янги улшдор олдидаги мажбуриятлари сақланиб қолавер-ради.

Шундай қилиб, жорий йил 1 июлдан бош-лаб улуш киритиш асосидаги қурилишларда қурувчи ва харидор ўртасидаги олди-берди-нинг шакли ва мазмуни ўзгаради. Мазкур тартиб йил охирига ихтиёрий бўлади, 2026 йил 1 январдан эса қурилишда маблагни жалб қилиш фақат эскроу ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Шу тарзда янги уйларни белгиланган муддатларда эгаларига топшириш ва аҳоли тўлаган пуллар музлаб қолмаслиги тўлиқ янги тизим назоратига ўтади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЁШЛАРГА КУЧ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАЁТГАН ТАШАББУС

Янгича ёндашувлар

Давлатимиз раҳбари жорий йил 14 февраль куни ёшлар билан очик мулоқотда юртимиз ўйил-қизлари ҳаётида катта ўзгариш ясайдиган учта муҳим ҳужжатни имзолаганини таъкидлади. Ҳужжатларга кўра, яқка тартибдаги тадбиркор бўлган, камида 20 ёшни ишга олиб, кичик корхона очган ва ўқув маркази ташкил қилган ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Уларнинг бизнес гоилари лойиҳага айлантирилади.

Шу пайтгача мавжуд шароитдан фойда-ланиб, 100 йигит-қизни иш билан таъминла-ган деновлик Қурбонали Қазақовча янгидан янги имкониятлар эшиги очилди. Ёш тад-биркор фаолиятини 2017 йилда бошлаганди. Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан ёшлар тадбиркорлигини қўл-лаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Ёшлар — келажгимиз” жамғармасидан имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқариш кўла-мини кенгайтириб.

Ҳозир автомобиль ўриндиқлари учун махсус гилоф ҳамда гиламчалар ишлаб чиқ-араётган тадбиркор ўз маҳалласидаги кўп-лаб йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаган. 100 дан зиёд иш ўрни очган ишбилармон янги лойиҳаларни амалга ошириш тарафду-дида. Бу эса яна 50 ёшнинг ишли бўлишига хизмат қилади. — Президентимиз ёшлар билан очик му-лоқотда таъкидлаганидек, санаот зона-лари

бир олам маъно мужассам. Тадбиркор ва ишбилармон, кенг дунёқарашли ва билимли ёшлар — юрт келажиги, таянчи, мамлакат тараққиети ва эл фаровонлигини таъмин-лашдаги муҳим кучлардан. Шу боис, мамла-катимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, тад-биркорлигига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Президентимизнинг “Сурхондарё вило-ятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, воҳонинг шимолий қисмида илк бор янги олий таълим муасса-сиси — Денов тадбиркорлик ва педагогика институти очилган эди.

Талабалар бандлигини таъминлаш бўйи-ча устувор вазифаларга бағишланган видео-селектор йиғилишида қатор топшириқлар белгилаб берилган эди. Шу вазифалар ижро-сидан келиб чиққан ҳолда Денов тадбир-корлик ва педагогика институтида “Карьера маркази” фаолият қоритяпти.

Олий таълим муассасасининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган истиқболли режа-сига кўра, замонавий марказ талабаларнинг дарсдан бўш вақтда мустақил таълим оли-ши, ҳунар ўрганиши, қобилият ва иқтидори-ни тижорийлаштириши учун имконият яра-тади. Бунинг учун пазандалик, тивувчилик цехлари, эркаклар сартарошонхонаси, гўзал-лик саломи, амалий санъат тўғраги, корейс, япон, хитой, немис, турк, инглиз, италян ва рус тили ўқув курслари мавжуд. — Айни пайтда марказ ходимлари ҳам олий таълим муассасасида ўқиб, ҳам меҳнат қилишга эҳтиёж сезаётган мен каби тала-баларнинг энг яқин кўмаклашишга айланиб

улгурди, — дейди Машҳура Носирова. — Марказнинг мақсади ҳам шу: иш излаётган талабаларни ярим кунлик иш билан таъмин-лаш, касбий ўсиши, иш бериувчи билан мулоқотини йўлга қўйишдан иборат. Мамлакат тараққиети кўп хижатдан исте-ъёдолди ёшларни танлаш, уларга тўғри йўналиш бериш, қобилиятини намоён эти-шига кўмаклашишга боғлиқ.

Сурхондарё вилоятида 45 минг 947 та тадбиркорлик субъекти фаолият қоритмоқда. Шундан 16 минг 142 тасининг тизисчисси, яъни 35 фойздан ортиги айнан 30 ёшга тўл-маган ёшлардир. Улар томонидан ҳудуддаги 1,5 мингта яқин йигит-қизнинг бандлиги



ва хориж тажрибасини кенг жорий этиш эртага юрт қорига ярайдиган баркамол фарзандлар-нинг камол топишига замин яратади, — дейди ўқитувчи Сурхонжон Хидиров. — Янги бизнес ва лойиҳаларнинг пайдо бўлиши битирувчи-ларнинг иш билан таъминланишини осон-лаштиради. Бу эса аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Сурхондарё вилоятида 45 минг 947 та тадбиркорлик субъекти фаолият қоритмоқда. Шундан 16 минг 142 тасининг тизисчисси, яъни 35 фойздан ортиги айнан 30 ёшга тўл-маган ёшлардир. Улар томонидан ҳудуддаги 1,5 мингта яқин йигит-қизнинг бандлиги

таъминланган. Бугун воҳодаги 181,3 гектар майдонда 53 та кичик ва ёшлар санаот зона-си ташкил қилинган. Ушбу кичик ва ёшлар санаот зоналарида қўймати 689,1 миллиард сўмлик 488 та лойиҳа жойлаштирилган. На-тижада 1871 та иш ўрни очилди.

Бандихон туманида 2024 йилда умумий майдон 27 гектардан иборат ва ўзида 120 та лотни жамлаган кичик ва ёшлар санаот зона-си фаолият бошлади.

— Кейинги йилларда Бандихон туман-ида ҳам хизмат кўрсатиш ва ёшлар тад-биркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2024 йил-нинг ўзида 540 та янги иш ўрни очилди, — дейди туман камбағалликни қисқарти-риш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Ориф Муродов.

Тадбиркор Сафар Тўлағанов 100 миллион сўм билан ишга туширган корхонада ҳозир бир кунда ўртача 50-60 дона махсулот тай-ёрланяпти ва воҳодаги 5 та тумanning ички бозорига кириб бормоқда.

— Вилоятимизда биз каби ёшларнинг интилиши ва ташаббуслари қўллаб-қувват-ланыяпти. Бизнес лойиҳаларимиз молия-лаштириляпти. Давлатимиз раҳбарининг яқинда ёшлар билан мулоқоти бизга янги куч ва фаолиятимизни янада ривожланти-риш учун руҳ бағишлади. Энди аҳоли банд-лигига сезиларли ҳисса қўишини янада кен-гайтирамыз, — дейди Сафар Тўлағанов.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари келажак-гимиз эгалари билан учрашувдан мамнун эканини таъкидлаб, ёшларни халқимизнинг олтин фонди деб атади. Шундай экан, ана шу эътирофга муносиб авлод шаклланиши-ни даврининг ўзи талаб этиётгани ҳам айни ҳақиқат.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

# БУГУНГИ



# ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

**Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги фармон билан тасдиқланган давлат дастури бешта йўналиш кесимида 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни қамраб олган.**

Давлат дастури аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда ҳужжатдаги аҳолини қизиқтирадиган ва эътиборини тортадиган бир бандга тўхталмоқчимиз. У ҳам бўлса, аҳолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни синдириш орқали “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “**Бир миллион яшил оила**” умуммиллий ҳаракатини йўлга қўйиш. Бу аҳоли орасида кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, “яшил транспортда”, жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш, пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайтириш, озиқ-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш, сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш кабиларда ўз ақсини топади.

Албатта, ҳар биримиз атроф-муҳит муҳофазаси учун масъулмиз. Яна бир тарафдан, белгиланаётган вазифаларнинг инсон саломатлиги учун фойдаси жуда катта. Эътибор беринг, мана шунга қўшимча равишда экофаоллигимиз давлат томонидан рағбатлантирилмоқда. Масалан, юқори кўрсаткичга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақоми берилди ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банклардан истеъмол кредити олишда чегирмалар тақдим этилади. Олинган барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақоми олганда, ушбу оилга “яшил оила” мақоми берилиб, уларга шу йилдан бошлаб ҳар йили лотерея орқали 14 та электромобиль бериш йўлга қўйилади.

Бу эса “яшил иқтисодиёт”, атроф-муҳит муҳофазаси, фуқаролар саломатлигини оиладан бошлаб жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун давлат фуқароларни рағбатлантиришни мақсад қилётгани таъсирли сазовор.

Давлат дастурида белгиланган бу каби рағбат ва вазифалар, биринчи гада, фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш келажак авлодларга соғлом ҳаёт ва тоза табиатни мерос қолдиришнинг

асосий омилidir. Экологик мувозанатни сақлаш эса инсон ва табиат ўртасидаги уй-ғунлиқни таъминлашнинг муҳим йўли, десақ адашмаган бўламиз.

Яқинда бир юртдошимизнинг кунчиқар мамлакатдан тайёрлаган видеоролигини кўрдим. Кўчалар тозаланиши кўриб, ҳавасингиз келади. Энг қизиги, биздаги каби уларда йўл четларида чиқинди қутилари қўйилмас экан. Ҳайрон қоласан киши, қаерда оқватланиши ёки бирор иш билан шуғулланишидан қатъи назар, чиқиндини ўзлари билан олиб кетишаркан.

Шунга ўхшаш мавзудаги яна бир видеодан англашладикки, Европанинг қайсибир бир давлатида катта йўлда кетаётган машина йўловчиси ойнадан турли шиша идишларни улоқтиради. Кейинги машинадаги одам уларни тўхтагиб, танбех беради. Айбдор йўловчи уэр сўрайди ва ташлаган нарсаларини йиғиштириб олади. Эътиборлиси, бошқа ҳайдовчилар ҳам тўхтаб, бу ҳаракатни маъқуллашди, яъни ҳеч ким озодлик, атроф-муҳит ободлигига бефарқ бўлмади.

Куш уясидида кўрганини қилади, деган нақл бор. Агар болалик пайтимизни эсласак, ёши катталар сувга туپурган, ариқларга чиқинди ташлаганларга яхшигина сабоқ берад эди. Яқинда кўрган бир ҳолатим эса ҳафсаламни пир қилди. Она мактабга кетаётган ўғлига пластик пакетта солинган чиқиндини бериб, йўлда ташлаб кетишни айтди. Эътибор қилинг, чиқиндиҳонага эмас, шундай йўл-йўлақай, хоҳлаган жойига. Бола кўп қаватли уй олдидаги ёмғир суви ўтишига мўлжалланган кичик ариққа қўлидаги пакетни ташлаб, йўлда давом этди. Буни кўрган ёши каттароқ қўшимиз унга танбех берди. Юқоридан қараб турган она қўшига шундай маломат тошларини олдики, кўяверасиз. Айтишчики, у чиқиндини олиб кетиши учун пул тўларкан. Барака топкур, ҳаммамиз ҳам чиқинди учун пул тўлаймиз, лекин унинг учун махсус чиқиндиҳона бор-ку.

Шу ўринда ўша она фарзандига бир оғиз бу иши хатолиги, атроф-муҳит тозалиги барчамизнинг соғлигимиз учун фойдали эканини айтганида эди, бола бу ишни бошқа ҳеч қачон тасвирламаган бўлармики? Чунки аксариятимиз болалигимизда қайси бир хато ишимиз учун катталардан яхшигина дакки еганмиз. Буни эса доимо ёдда сақлаймиз.



Бугун-чи?! Назаримда табиатга муносабатимиз ўзгарган, атроф-муҳит мусафоллиги учун масъулиятимиз камайгандек. Мана шундай бир шароитда, қолверса, глобал иқлим ўзгаришлари сабаб экология ҳар қанчидан ҳам эътибор ва қўмакка муҳтож бир паллада давлат дастурида бу борда катта мақсад ва вазифалар белгиланиши айни мудоаодир.

Жумладан, давлат дастурига мувофиқ, аҳолисининг ярни “яшил оила” мақоми олан маҳалларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловлари ўтказилади. Танловда гўлиб бўлиш шуниси билан аҳамиятлики, шу ҳудудда яшовчи аҳоли тақлифлари асосида маҳалланинг ички инфратузилмасини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар — йўлларни таъмирлаш, энергия таъминоти, сув таъминоти, болалар майдончалари, чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, “яшил боғ” яратиш, чиқинди қутилари ва контейнерларини ўрнатиш каби-ларга 500 миллион сўм ажратилади.

Демак, экофаоллигимиз ҳисобига, биринчидан, табиатимиз мусафоллигини таъминлашга ҳисса қўшсак, бошқа томондан, ўзимиз яшаётган маҳалла инфратузилмасини яхшилашга имкон яратамиз.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бир йилда хонадонларда 2 миллиард тоннадан

ортиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кўрсаткич кам эмас, йилга 10 миллион тоннадан зиёд.

Агар мамлакатимиз аҳолиси ҳар йили 1,5 фоиз кўпаяётганини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, 18 миллион тоннани ташкил этиши аёнлашади. Бу рақамлар фақат маиший чиқиндига тегишли. Бугун 100 дан ортиқ полигонда иккиламчи хомашё сифатида 3,5 миллиард тонна саноат чиқиндилари ҳам сақланмоқда.

Аслида, экологик барқарорликни таъминлашда маиший чиқиндиларни қайта ишлашдан манфаатдормиз. Бу дунё тажрибасида ҳам ўз исботини топган. Чиқиндилар дунё бўйича энг долзарб экологик масалалардан бирига айланб улгурди. Мазкур турдаги зарарли маҳсулотларни тўғри бошқариш нафақат экологик барқарорликни таъминлайди, балки иқтисодий ресурсларни тежашга ҳам ёрдам беради.

Бугун кўпчилигимизни хонадонимиз, иш жойимиз, ўқиш ва дам олиш маканларидан чиқётган маиший чиқиндилар қаерга кетаётгани таъминлаштириши табиий. Орамизда маиший чиқиндилар нима ва улар қаерга кетади, деб савол берувчилар ҳам топилади, албатта.

Бу бордада юртимизда тизимлаштирилган режали ишлар амалга оширилмоқда. Утган йилларда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

қабул қилиниб, муаммоларга самарали ечимлар топилди. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига кўра, 2030 йилга бориб, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 январдаги “Чиқиндиларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонига мувофиқ, қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш тизими босқичма-босқич амалга оширилади. Жумладан, 2024-2026 йилларда Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқиндиларни “қайта ишланадиган”, “қайта ишланмайдиган” ва “озиқ-овқат” тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида жуда кўп иш қилинмоқда. Бу йўналишларда тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, концепция ва стратегиялар мавжуд.

